

## Интерфаол хизматлар фаоллашмоқда



Мамлакатимизда ахборот жамиятини шакллантириш, барча соҳаларда энг илгор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича салмоқли ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, бу жараёнда интерфаол (интерактив) хизматларнинг имкониятлари юқори баҳрланмоқда.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “интерфаол” тушунчасига ахборотларни компютер тармоғи орқали қабул қилиш ёки узатишга асосланш дея таъриф берилган. Википедияда эса интерактивлик объектлар ўртасидаги ўзаро ҳаракат характери ва даражасини очиб берувчи тушунча сифатида баҳрланган бўлиб, ахборот назарияси, информатика ва дастурлаш, телекоммуникация тизимлари, социология, саноат дизайни ва ҳоказо соҳаларда қўлланилиши айтилади. Бир сўз билан айтганда, интерфаоллик – тизимни ташкил этиш тамойили бўлиб, бу тизимнинг қисмлари ўртасида ахборот алмашинувини йўлга қўйиш орқали муайян мақсадга эришишдир.

2-бет



### Сўнгги янгилик!

Алоқа оламида:

Американинг Сау компанияси гибрид архитектурали ХК6 қудратли ҳисоблаш тизими — янги суперкомпютерини чиқарди. Янги компютернинг потенциал ишлаб чиқарувчанлиги 50 петафлопсга тенг.

ХК6ни йиғишда мутахассислар интеграллашган график ядроли Opteron 6200 Interlagos 16 ядроли ва 20-туркумга мансуб NVIDIA Tesla процессорларидан фойдаланишди.

Жаҳон суперкомпютерлар рейтингини бошқариб келаётган Хитойнинг Tianhe-1A компютери 2,57 петафлопс ишлаб чиқарувчанликка эга.

### Ушбу сонда:

- Кувончга кувонч қўшилса... 3
- Она Ватан бўйлаб 5
- Имитационная модель для исследования характеристик помехоустойчивых кодов 6
- Тугмалар — асосий кўмакчи! 14
- Кўкалдош мадрасаси 16

### Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

## Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига Япониянинг Фукусима префектураси губернатори Юхей Сатонинг миннатдорлик мактуби келди. Мактубда 2011 йил 11 март куни юз берган табиий офат оқибатида талофот кўрган Япониянинг мазкур минтақаси аҳолисига Ўзбекистон томонидан изҳор этилган чуқур ҳамдардлик ва кўрсатилган гуманитар ёрдам учун миннатдорлик билдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2010 йилдаги ва 2011 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси яқунлари тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботи ва Молия вазирлиги ҳузурдаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланиш ҳақидаги ахбороти кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Иқтисодиёт вазирлиги томонидан мамлакатимизнинг халқаро молия институтлари билан инвестицион ҳамкорлигига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Анжуманда Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислам тараққиёт банки билан ҳамкорликда 198 та лойиҳа бўйича ишлар олиб борилаётгани, шундан қиймати 1,45 миллиард АҚШ долларига тенг 153 та лойиҳа амалга оширилгани таъкилланди.

Тошкент шаҳридаги Халқаро ҳамкорлик марказида 6 июн куни Савдо, иқтисодиёт, фан ва техника, маданият, спорт ва ёшлар иши бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим ижросининг назорати бўйича Ўзбекистон – Саудия Арабистони Подшоҳлиги ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Ушбу тadbир давомида Ўзбекистон компания ва корхоналари ҳамда Саудия Арабистони ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида бизнес-форум ва кооперацион биржа ҳам ўтказилди.

Самарқандда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, ҳаваскор санъат ва фолклор дасталари ўртасида мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан “Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!” шиори остида “Барҳаёт ананалар” фестивали бўлиб ўтди.

Италиянинг Милан шаҳрида юртимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган “Олам ичра олам: Ўзбекистон. Халқ табассуми” номли фото-кўргазма иш бошлади. “Open mind” галереяси томонидан Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатдаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил қилинган мазкур кўргазма бир ой давом этади.



(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

Ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда интерфаол шаклдаги давлат хизматларини кўрсатувчи республикамиздаги ilk Ягона ойна маркази пойтахтнинг Сергели тумани ҳокимлиги қошида 2010 йил 7 апрел куни иш бошлаган эди. Ушбу лойиҳа БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастури, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Сергели тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида тажриба тариқасида йўлга қўйилди. Ягона ойна марказининг маълумот беришчи, 2011 йил 1 майга қадар аҳоли ва талбиркорлик субъектлари томонидан мурожаатлар сони 33902га етган ва бу кўрсаткич ой сайин ошиб борапти. Бунинг сабаби оддий: бир ишни битказиш учун идорамайдора сарсон бўлмасдан, бир нечта масалани бир жойнинг ўзида осонгина ҳал қилганга нима етсин?!

— Ягона ойна марказида, айниқса, талбиркорлар кўп мурожаат қилишяпти, — дейди марказ координатори Дилором Сапаева. — Янги корхона очиш учун қанақа ҳужжатлар керак, бизнес-режа қандай тузилади — уларга маслаҳат берамиз. Пенсиялар даромади ҳақида маълумотнома олиш учун келишса уларга бир зумда хизмат кўрсата

## Интерфаол хизматлар фаоллашмоқда

тилади. Туман халқ таълими бўлими, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳам ҳамкорлик ўрнатганмиз. Яқиндан бошлаб халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда мактабгача таълим муассасалари ва мактабларга йўлланма комиссияларини бевосита Ягона ойна марказида ташкиллаштиришни режалаштирганмиз. Марказнинг ўзига хослиги шундаки, бир иш билан келганлар бу ердаги шароитни, имкониятларни кўриб бошқа масалалардаги муаммолари ечимини ҳам шу ерда топишяпти.

Дарҳақиқат, марказ замонавий талаблар даражасида жиҳозланган. Олти ойнада хизмат кўрсатувчи ходимлар учун тўлиқ дастурий таъминотга эга компютерлар ўрнатилган бўлиб, уларнинг ахборот базаси мунтазам янгилаб борилади. Минжозлар учун сенсорли ахборот киосклар, катта электрон ахборот таблоси ўрнатилган. Компютердан мустақил фойдалана олувчилар

эса ўз-ўзига хизмат кўрсатиш бўлимидаги компютерлардан Ягона ойна маркази сайти — [bigoyna.uz](http://bigoyna.uz) кириб керакли маълумотларни олишлари мумкин.

Юқорида айтилганидек, мазкур марказда хизматлар олтига ойнада йўлга қўйилган. 1-ойнада халқ таълими йўналишидаги хизматлар (мактабгача таълим муассасаларига йўлланма бериш), 2-ойнада маҳалла жамғармаси, бандликка кўмаклашиш (моддий ёрдам учун ҳужжат қабул қилиш, вакант ўринлар бўйича иш билан таъминлаш), 3-ойнада бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси (пенсияларга пенсия миқ-

дори бўйича маълумотнома бериш, суюнчи пулига ҳужжатлар қабул қилиш) фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, тиббиёт, ер-мулк кадастри, ДСЭНМ, ахборот-маслаҳат маркази, талбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси, талбиркорлар уюшмаси, коммунал хизматлар алоҳида ойналарда тақдим этилмоқда.

Мамлакатимизда меҳмон бўлган БМТ Бош қотибининг ўринбосари, БМТ Тараққиёт дастури раҳбари Хелен Кларк 24 май куни ушбу марказга ҳам ташриф буюрди. Нуфузли меҳмон бу ерда яратилган шарт-шароит ва қўлайликларни юксак баҳолаб, Тараққиёт дастури мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам бу каби марказларни кўпайтириш борасидаги саяё-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашини билдирди.

Собит АХАДОВ,  
“Xabar” мухбири

## Ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар

Яқингача Жиззах вилоятининг туризм салоҳиятига маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини сезиларли даражада яхшилаётгани оладиган иқтисодиётнинг тармоғи сифатида етарлича аҳамият берилмаган эди. Ушбу вазиятнинг ижобий томонга ўзгариши, Жиззах вилояти Зомин туманида туризм ресурсларини бошқариш ва ушбу туман маҳаллий аҳолисининг сайёҳлик хизматларини тақриф қила олиш салоҳиятини ошириш соҳаларида давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигига доир намунавий лойиҳаларнинг амалга оширилиши муносабати билан ўз амалий ифодасини топмоқда.

Шу каби ва вилоятнинг бошқа ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга қаратилган лойиҳалар БМТДнинг бошқарув тизimini қўллаб-қувватлаш лойиҳаси доирасида амалга оширилиши режалаштирилган.

БМТДнинг бошқарув тизimini қўллаб-қувватлаш лойиҳаси Жиззах вилоятининг туризм салоҳиятини юксалтириш билан бирга, Наманган ва Жиззах вилоятларида маҳаллий бошқарув тизimini такомиллаштириш учун керакли бўлган шарт-шароитларни барпо этиш ва давлат ходимларининг профессионал салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган. Шунингдек, лойиҳа томонидан кенг жамоат билан алоқа қилиш ва электрон ҳукумат механизмининг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини шакллантириш, маҳаллий бошқарув органларининг фуқаролик жамияти ва хусусий бизнес вакиллари

билан ҳамкорлигини мустақамлашга кўмак берилиши кўзда тутилган. Лойиҳанинг фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамкорлигида ҳамда Жиззах ва Наманган вилоят ҳокимликлари кўмагида амалга оширилмоқда.

Мазкур лойиҳа Жиззах ва Наманган вилоятларидаги вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари қошида бта ахборот хизмати марказини ташкиллаштиришга кўмак беради. Ушбу саяё-ҳаракатлар БМТДнинг Демократик бошқарув траст фондиндан қўшимча маблағ сифатида жалб этилган умумий баҳоси 200000 АҚШ доллари бўлган маблағ эвазига молиялаштирилади. Бундан ташқари, жойлардаги самарали давлат бошқарув тизimini давлат идоралари ва жамоат ўртасида алоқа ўрнатиш ҳамда аҳолига кўрсатилаётган давлат хизматларининг сифати ва тежорлигини ошириш имкониятларини яратиб беради. Шунинг билан олган ҳолда, БМТДнинг бошқарув тизimini қўллаб-қувватлаш лойиҳаси Жиззах ва Наманган шаҳарларида маҳаллий аҳолига кўрсатилаётган давлат хизматларини яхшилаш учун юқорида айтиб ўтилган шаҳар ҳокимликлари қошида Ягона ойна марказларини (ЯОМ) ташкиллаштиришда иштирок этади. Хусусан, лойиҳа икки ЯОМни керакли техника ва анжомлар билан таъминлаш ҳамда ҳокимият ва ЯОМ ходимлари учун семинар-тренинглари ташкиллаштиришга кўмак беради.

БМТД 2009 йилдан буён Жиззах вилоятида бир қанча лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, ушбу лойиҳалар маҳаллий аҳолининг кам таъминланган қатлами учун зарур хизмат ва махсуслотларга бўлган эҳтиёжини қоплаш учун турли бизнес ва ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган.

## Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!



Самарқанд вилоят АКМнинг ўлкашунослик сектори ҳамда маънавият ва маърифат, ёшлар билан ишлаш бўлимлари 150 кишидан иборат Самарқанд қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!" номли тадбир ўтказди.

Тадбирда коллежнинг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари С.Раҳимов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ўз давлат мустақиллигини қўлга киритган тарихий сана — 1 сентябр халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида бекиёс ўрин тутадиган, ҳар йили энг улуг, энг азиз байрам сифатида катта шоду хуррамлик билан нишонланадиган қутлуг айёмлиги, бу йил Ватанимиз истиқлолининг йигирма йиллигини кўтаринки кайфият билан кутиб олишимизни таъкидлаб ўтди. Пушқин номидаги вилоят АКМ кутубхоначилари М.Усмонова, Д.Яҳёевалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш, иқтисоди-

ётимизни бозор муносабатларига ўтказиш ва ривожланган давлатлар қаторидан муносиб жой олиши борасида эришган марраларимиз жаҳон ақлини ҳақли равишда ҳайратда қолдираётганини айтиб ўтиб, "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!" номли мултимедияни талабаларга намойиш этди.

"Тиллар" кафедраси мудири М.Асророва ҳам талабаларга қизиқарли викторина саволлари бериб, тадбирни янада қизиқарли ўтишини таъминлади. Савол-жавобда фаол қатнашган талабаларга кутубхона ходимлари томонидан совғалар берилди.

**Д.ЯХЁЕВА,**  
АКМ сектор мудири

## Болаларга беринг дунёни

Китоб туманининг Қайнар қишлоғи этагидаги тоғ бағрида жойлашган "Ўзи-Қарши" филиалига қарашли "Алоқачи" болалар дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳида мавсумнинг очилиш маросимига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Оромгоҳ вилоятда фаолият олиб бораётган алоқа корхоналари ишчи-ҳодимларининг 125 нафардан ортиқ фарзандларини яна ўз бағрига олди. Тадбирда корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, филиал ва шех касаба уюшмаси кўмиталарининг раислари, ота-оналар иштирок этдилар. Куннинг иккинчи ярмида оромгоҳ томошагоҳи бўйлаб болажонлар саф тортишиб, давлатимиз малҳиясини куйладилар. Етакчилар ёрдамида болалар гуруҳлар тузиб, тайёрлаган дастурларини намойиш этдилар.

— Оромгоҳда жамоат тартиби, ёнғин хавфсизлиги чораларини белгилаш, оромгоҳнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш, коммунал таъминотнинг барқарор ишлаши, сифатли ичимлик суви, маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш, малакали педагог тарбиячиларни жалб қилиш борасида тайёргарликни анча олдин бошлаганимиз, — дейди вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси Қўчқор Каримов. —

"Алоқачи" оромгоҳини мавсумга тайёрлаш учун 18,2 млн. сўм маблаг сарфланди. Каттик ва юмшоқ мебеллар, ошхона жиҳозлари билан таъминланди.

Ҳар доимгидек Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали томонидан компютер бўйича мутахассислар жалб этилиб, улар мавсум давомида дам олувчиларнинг компютер саводхонлигини ошириш мақсадида фаолият олиб борадилар. Вилоят АКМ ва Китоб туманидаги 11-мактаб АРМ кўчма кутубхонаси ташкил этди. Тиббиёт хонаси 60 турдаги дори-дармонлар билан таъминланиб, малакали болалар шифокорлари жалб этилди.

Ота-оналар хонаси, тўғарақлар, дам олиш, спорт майдончалари, компютер саводхонлиги синфи, кутубхона, маънавий хонаси, гигиена хоналари, ёзги павилонлар ва бошқалар шу кунни болалар ихтиёрига топширилди.

**Афтондил ИСМОИЛОВ,**  
"Хабар"нинг  
Қашқадарё вилоятидаги мухбири

➤ **KO'RIK-TANLOV**

## Дилмурод республика босқичида қатнашади

Почта хавфсизлиги техниги. Бу лавозимнинг нақадар масъулиятли эканлигини шу ишда фаолият олиб бораётганларгина чуқур аңглаб етсалар керак.

— Қўриқлаш иши, лавозим йўриқномаларининг бажарилиши, ходимларнинг фавқуллода вазиятларда ахборот узатиш тартиби бўйича билими. Эҳ-ҳе, бу вазибаларни санаб адоғига етиш қийин, — дейди "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали директори ўринбосари, почта хавфсизлиги инспектори Мама-сиддиқ Қодиров. — Баъзилар, ҳа энди ўз-ўзидан бўла-верадиган ишлар-да, деб ҳисоблашади. Бироқ, бу вазибани зиммасига олган киши бошқаларнинг иши, ишни тўғри ташкил этиши, зарур билимлардан хабардорлик даражаси учун ҳам масъулки, худди шу нарса техник мутахассисга катта мажбурият юклайди. У почта хавфсизлиги бўйича ўқувлар ўтказиш, хабарчилар хавфсизлигини таъминлаш, почта жўнатмаларини қўриқлаш ва жўнатиш бўйича назоратни бир зум сусайтирмаслиги зарур. Қолаверса, ундан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини билиш, ижтимоий-сиёсий билимга эга бўлиш ҳам талаб этилади.

Яқинда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиалида "Энг яхши почта хавфсизлиги техниги" қўриқ-танлови вилоят босқичи низоҳасига етди. Қўриқ-танлов ўтказиш ташкилий комиссияси томонидан ўрғаниш ўтказилиб, Қўштепа почта алоқаси тармоғи ПХБ техниги Дилмуроджон Мамажонов голиб деб топилди ва унга қимматбаҳо совға топширилди.

Энди Дилмуроджон қўриқ-танловнинг республика босқичига қизгин тайёргарликни бошлаб юборди.

**Ҳафиза АСҚАРОВА**

## Энг яхши китобхон

Урганч шаҳридаги 59043 ва 56261-ҳарбий қисм шахсий таркиби ўртасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб "Энг яхши китобхон" қўриқ-танлови ўтказилди.

Қўриқ-танлов "Китобхон формулярини ҳимоя қилиш", "Тарих билимдони", "Қизиқарли саволлар", "XX, XXI аср ўзбек китобхони" ва "Эркин мавзу" шартлари бўйича ўтказилди. Барча шартлар бўйича оддий аскар У.Тошев сафдошлари орасида ўз устунлигини намойиш қилиб, "Энг яхши китобхон" қўриқ-танловида фахрли биринчи ўринни эгаллади. Оддий аскарлардан М.Мавлонов иккинчи ва Б.Шарипов учинчи ўринга сазовор бўлишди.

Ғолибларга эсдалик совғалари ва вилоят АКМ-нинг фахрий ёрлиқлари топширилди.

**Азатжон ХАДЖИЕВА,**  
Хоразм вилояти АКМ мудири

## Қувончга қувонч қўшилса...

"Ўзбекўқувавтоматика" республика ихтисослашган ўқув ишлаб чиқариш маркази Сурхондарё вилоят филиали халқ таълимини ривожлантириш миллий дастури ижросига катта ҳисса қўшмоқда. Ҳозирга қадар вилоят бўйича 150дан ортиқ мактабга компютер тўплами ўрнатилиб, ўқувчи-ёшларга замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида дарс бериш йўлга қўйилди. Яқинда Сарийосиё туманидаги 69-мактаб ҳам шундай қулайликка эга бўлди.

Таъкидлаш керакки, Ҳисортоғ этагидаги Тоқчи қишлоғи болаларининг билим маскани истиқлол йилларида бунёд этилди. Бу савобли ишни "Боғу бўстон" фермер хўжалиги раҳбари Носирхон Тўрақулов амалга оширди. Янгилик туфайли ўқувчи-ёшларнинг узоғи яқин, мушкул осон қилинди. Беминнат ҳиммат ҳисобига мактаб йўли ҳам асфалт қилиб берилди.

Этиборлиси, Носирхон ота қишлоқ мактабининг чинакам ғам-хўрига айланган. Қўп болали, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аълочи ва намунади хулқли

болаларни рағбатлантириш унинг доимий диққат марказида. Кутубхона фермер ҳомийлигида янги адабиётлар ва бадиий китоблар билан бойилди. Чекка қишлоқдаги мактабга компютер етиб келишида ҳам меҳрибон ва меҳнаткаш мулкдорнинг хизмати катта бўлди. XXI аср техникасини ўрнатишда ва интернетга уланишида "Ўзбекўқувавтоматика" республика ихтисослашган ўқув ишлаб чиқариш вилоят филиали мутахассислари алоҳида ўрнак кўрсатишди. Шу боис мактаб жамоаси Алишер Тўранов ҳамда Мирзаали Беккуловлар маҳоратидан мамнун бўлишди.

Бу каби янгиликлар мактаб бити-

рувчиларининг "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!" ҳамда "Биз — 20 ёшдамыз" шиорлари остида ўтказилган тадбирга ўзгача тароват бахш этди. Ёшлар яратилган яна бир имконият учун мактаб ҳомийси, "Шуҳрат" медали соҳиби Носирхон Тўрақуловга чексиз миннатдорлик билдирилди: — Сизнинг "Ташаббус-2011" қўриқ-танлови Республика босқичида "Энг яхши фермер" номинацияси бўйича голиб бўлиб, Президент совринини олганлигингиздан беҳад қувондик, — дейишди битирувчи ёшлар. — Ҳаётда сиздек фидойи, савоатпеша ва бағрикенг инсон бўлиб яшашга ҳаракат қиламиз.

Тадбирда энг ибратли эзгу-ти-лақлар мушоирага уланиб кетди. Де-новлик ижодкор, Адиб Собир Термизий мукофоти совриндори Хуррам Райимов янги шеърларидан намуналар ўқиди. Ўз навбатида, ўзининг "Кўнгул муждаси" номли китобини мактаб кутубхонасига совға қилди. Мактабининг болалар етакчиси Гавҳар Абдиева ҳам мушоирада қатнашиб, мухлисларни янги шеърларидан баҳраманд этди.

...Ҳисортоғ этагидаги Тоқчи қишлоғининг мўъжазгина мактаби янги ўқув йилига ҳар томонлама таянч бўлиб қўйилди. "Боғу бўстон" фермер хўжалиги ҳомийлигида таъмирлаш ишлари барвақт якунланди. Мактаб директори Шарафиддин Худойназаровнинг билдиришича, ўқувчи-ёшлар янги ўқув йилидан эътиборан илк бор Жанубий Корейда ишлаб чиқарилган компютерлар ёрдамида ўз билимларини оширишди. Машғулотларни ёш мутахассис Шаҳнозаҳон Қаюмова олиб боради.

**Нортожи ЗИЁЕВ,**  
"Хабар"нинг Сурхондарё  
вилоятидаги мухбири

## Xalqaro hayot



### ЕВРОПАДА ЭПИДЕМИЯ

Европада тарқалган янги инфекция кун янгиликларининг асосий мавзусига айланди.

Дастлаб Германиянинг шимолида кузатилган инфекция тез орада Европанинг бошқа давлатларига тарқалди. Тахминан бир ҳафтада номаълум инфекцияни юктириб олганлар сони икки мингга етган, 20 киши вафот этган.

Лаборатория текширувларида эпидемияни номаълум юкоритоксидли E.coli бактерияси — бошқа иккита касаллик кўзгатувчи генларни бирлаштирган мутант келтириб чиқараётгани аниқланган. Бактерия қаердан пайдо бўлгани эса маълум эмас. Немис экспертлари инфекция манбаи испан бодринглари эканлигини маълум қилишди, аммо таҳлиллар буни тасдиқламади.

Россия янги хавфнинг олдини олиш мақсадида иқтисодий характердаги чоратадбирлар қабул қилди. Давлат назорати ЕИдан сабзавот маҳсулотлари олиб киришни бутунлай тақиқлади, бу эса европалик кўпсонли амалдорларнинг норозилигига сабаб бўлди.

### ОБАМА МЕРКЕЛНИ ТАҚДИРЛАДИ

АҚШ президенти Барак Обама Германия канцлери Ангела Меркелни Озодлик медали билан тақдирлади.

“Биз бутун дунёдаги миллионлаб одамларни, хусусан, мени руҳлантирадиган ҳақиқий етакчиға ҳурматимизни изҳор қилдим. Бу менинг дўстим Ангела Меркелдир”, — деган Обама Оқ уйда канцлер шарафига уюштирилган тантанали маросимда.

Озодлик медали — АҚШнинг энг юқори мукофотидир. У тинчликпарварлик ва маданий фаолиятда алоҳида ўрнатқан шахсларга берилади.

### Intel ЗАВОДИДА ПОРТЛАШ

Intelнинг чиплар ишлаб чиқарадиган Аризона штатидаги заводида портлаш содир бўлган. АР хабарига кўра, фалокат ишчилар махсус изоляция хонасида янги кимёвий қорингани тестдан ўтказаятганда руй берган. Ёнган тез орада ёнувчи материалларга тарқалган, шундан сўнг портлаш келиб чиққан.

Ёнгини бартараф этишда ўт ўчириш хизмати ходимлари қатнашган. Юзлаб ходимлар эвакуация қилинган, жиддий куйиш билан жароҳатланган саккиз киши маҳаллий шифохонага ётқизилган. Экспертлар портлаш корхона ишчиларидан бирининг айби билан содир бўлганини таъкидлашмоқда.

Intel процессорлар ишлаб чиқарувчи дунёдаги етакчи корпорация ҳисобланади. Ёнгин содир бўлган заводи 1980 йилда барпо қилинган бўлиб, ҳажми бўйича иккинчи ўринда туради. Айни дамда бу ерда 9,7 минг атрофида одам ишлайди.

### РЕПИН КАРТИНАСИ СОТИЛДИ

Лондонда бўлиб ўтган Christie's биринчи рус маданияти аукционига сессияси доирасида Иля Репиннинг “Париж кафеси” картинаси етти миллион 383 минг долларга сотилди. Бу халқаро аукционда сотилган рус тасвирий санъати эришган рекорд кўрсаткичидир.

Интернет материаллари асосида тайёрланди

Мамлакатимизда давлат бошқарувини демократлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда халқимиз фаровонлигини ошириш борасида туб ислохотлар ва улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Олдимизда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тугган ўрнини бундан-да мустақамлаш, иқтисодийнинг барқарор ўсишини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини янада оширишдек стратегик вазифалар турибди.

Бошқарув — жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётининг муҳим ва ажралмас қисми ҳисобланиб, у сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни мувофиқлаштириш билан боғлиқ кенг миқёсли вазифаларни ҳал этиш имкониятларини беради. Бошқарув тарихи ибтидоий жамоанинг илк даврларидан бошланган бўлиб, мустақил фан сифатида пайдо бўлганга қадар, инсоният минглаб йиллар давомида бошқарув сирларини англаб, маҳоратларини ошириб келганлар.

Мустақиллик Ўзбекистоннинг бошқарув тизимида, айниқса, давлат ва жамият бошқарувида амал қилиб келган мустабил, тоталитар тузум билан боғлиқ раҳбарлик услублари ва бошқарув

лиёда қўлланилган инсон омилини ҳисобга олиб бошқаришнинг самарали усуллари нималарни ўз ичига олади?

Раҳбар ва ходим ўртасидаги ўзаро муносабат турли таъсирлар сифатида ривожланади. Таъсир — бу ўзаро муносабатга киришган кишиларнинг ҳатти-ҳаракатларини ўзгартириш ва бошқариш мақсадида онгига таъсир кўрсатиш жараёни ҳисобланади. Ушбу таъсирлар ходимнинг ички руҳий кечинмалари, шахсий қадриятлари, эътиқоди ва ахлоқ меъёрлари билан солиштирилган ҳолда таҳлил қилинади. Оқибатда таъсир ходимнинг ишонч ёки ишончсизлик, ихтиёрий ёки мажбурий бўлиши ёки умуман қаршилиқ кўрсатиш ҳолатига олиб келади.

## Замонавий бошқарувда инсон омили

кадрлари тизимининг асосларини тубдан ўзгартириш, миллий давлатчилик негизларини демократик тараққиёт тамойиллари асосидаги бошқарув тизимини жорий этиш имкониятини яратди. Бинобарин, давлат бошқаруви кадрлар тизимида янгича фикрлайдиган, бошқарув санъатини пухта эгаллаган, маҳоратли, кенг дунёқарашга эга раҳбар ходимларни тайёрлаш, энг самарали бошқарув тизимини жорий этиш ва уларни такомиллаштиришга истиқлолнинг дастлабки давридан бошлаб алоҳида эътибор қаратилди ҳамда муайян ислохотлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, “Ислохотларнинг тақдир, уларнинг самараси, ҳаётимизга таъсири, авваламбор, кадрларнинг малакасига, уларнинг ўз ишини қай даражада ўзлаштириб олганлиги, юртпарварлигига ва фидойилигига боғлиқдир”.

Бутунги кунда ташкилот фаолиятида раҳбар томонидан инсон омилини эътиборга олиб бошқариш биринчи ўринга чиқди. Шунга қарамай, турли соҳалар бошқарувида ҳанузгача инсон ресурсларини бошқариш, ходимлар фаолиятини рағбатлантириш, мотивация ва шахс эҳтиёжлари, уларнинг ижтимоий-руҳий ҳолати, темпераменти, характери ва бошқа инсоний хусусиятларини ҳисобга олмаслик ёхуд оқилона таъсир ўтказиш усуллари билмаслик каби муаммолар мавжуд.

Албатта савол туғилади. Бу каби муаммоларнинг ечими нималар билан изоҳланади, изланишлар ўтказилган, чуқур таҳлил ва ама-

Раҳбарнинг ходимга таъсири оқилоналиги, инсонпарварлиги, далилларнинг асосланганлиги, мотивация ва шахс эҳтиёжлари хусусиятларини эътиборга олган ҳолда намоён бўлиши лозим.

Оқилона таъсир натижасининг юқори кўрсаткичи — бу ишонч ҳамда унинг оқибатида ходимнинг раҳбарга ихтиёрий бўлишидир. Шу сабабли, ташкилотни мураккаб вазиятларда бошқариш самардорлиги ва ташкилий фаолиятнинг натижавийлиги кўп ҳолларда ходимларнинг раҳбариятга, раҳбарнинг ходимларга бўлган ўзаро ишончига боғлиқ.

Ишонч ташкилотда муносабатларнинг конструктив ривожланишига, бир жамоада бириктиб ишлашга, ижодий ва ҳамжиҳатлик муҳитини яратишга кўмаклашади. Аксинча, ишончнинг етишмаслиги ёки йўқлиги ташкилотда муносабатларни бузади, ўзаро тушунмовчиликни келтириб чиқаради ва муҳим ахборотнинг яширилишига олиб келади.

Таъсир этишнинг барча усуллари учун умумий бўлган зарурий таъсир таъсирини ўтказиш: а) суҳбат мақсадини белгилаш, б) оппонентнинг психологик хусусиятларини ўрганиш, в) интеллекттуал, маданий ва ахлоқий ҳиссиётлари қиёфасини ўрганиш, г) ўзини тутиш тактикасини обдон ўйлаш, д) режалаштирилаётган алоқага таъсир этиши мумкин бўлган мавжуд ахборотлар хусусиятлари ва бошқа муҳим ва иккинчи даражали омилини пухталиқ билан тайёрлашдир.

Шахсга муваффақиятли таъсир ўтказишнинг муҳим шарты — қўлай психологик муҳит, тинч, ишчан ва

яхши мулоқот оҳангини яратиш. Ёш, мансаб ёки бошқа жиҳатдан устун шахс томонидан қўполикка асосланган бўйсундириш усуллари, зўрлик, дўк, шантаж қўлланилишига йўл қўйиб бўлмайди.

Бизнинг назаримизда раҳбар, аввало, ўзини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришдан бошлаб, “Ўзини тарбиялаш”, “Ўзини оқилона мажбурлаш” ҳамда “Ўзини-ўзи таҳлил қилиш (ўзини-ўзи кузатиш)” усулларидан фойдаланиши лозим.

Раҳбар томонидан ходимга қонуний таъсир кўрсатиш усуллари қуйидагилардан иборат:

- инсоннинг ишонч, баркамоллик тимсоли ва қадриятларига мурожаат қилиб, шахсга таъсир кўрсатиш учун ҳуқуқий ва ахлоқ меъёрларидан фойдаланиш, қоидага кўра, ходим томонидан қонуний таъсир сифатида қабул қилинади ва ихтиёрий бўйсунишга олиб келади. Бундай ҳолат таъсир объекти томонидан ҳуқуқий ва одоб-ахлоқ меъёрларининг қадрилини ички ҳиссиёти орқали тан олинган пайтда вуҷудга келади.

- ходимни моддий таъминлаш ёки мукофотлаш (ёки уни йўқотиш таҳлиди) орқали иқтисодий таъсир усулларида фойдаланиш.

- раҳбар томонидан компетентлик куч ресурси орқали таъсир кўрсатиш. Бу, таъсир субъектининг далиллари кўплиги сабабли, шахснинг рационал бўйсунувига олиб келади.

- раҳбар ўз имижига ва обрў-эътиборидан таъсир усули сифатида фойдаланиши. Бунда ходим раҳбарнинг имижини ижобий қабул қилган ҳолда унга ихтиёрий бўйсунди ёки салбий ҳолатда қабул қилинган, ходим вазиятни таҳлил қилиб, ўз шароитидан келиб чиққан ҳолда мажбурий бўйсунди.

Раҳбарга таъсир усулларини ўрганиш мураккаб эмас, балки уни амалда қўллаш мураккабдир. Чунки, инсон ресурслари ўз хусусиятига кўра ташкилотларда фойдаланиладиган ҳар қандай бошқа ресурслардан фарқ қилади. Бинобарин, инсон ресурсларини бошқариш махсус технологиялар ва усуллари талаб этади. Шу сабабли, раҳбар бошқарув усуллари маҳорат билан эгаллаши, айниқса, мулоқот, ишонтириш, суҳбатлашиш санъатини пухта ўрганиши, ўзига хос ўтқир ақлга, ҳаёт ва бошқарув соҳасида юксак тажрибага эга бўлиши зарур.

Раҳбар ташкилотни инсон омилини ҳисобга олган ҳолда замонавий демократик бошқарув тамойилларига асосланиб бошқариши лозим, демакки, бошқарув ташкилот ва ходим манфаатлари уйғунлигини таъминлаш, шахснинг эҳтиёжларига таъсир кўрсатишнинг умуминсоний қадриятларига мос усуллардан оқилона фойдаланиш, инсоннинг руҳий хусусиятлари ҳақидаги билимларга таянишни тақозо этади.

И.АШУРОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиш академияси тинчловчиси

Юртимизда 20 йил ичида миллий давлатчилик

анъаналарининг тикланганлиги, sanoat ва кишлок хўжалиги, автомобилсозлик соҳасининг йил сайин

ривожланаётганлиги, янги авлод вакилларининг дадил одимлари, таълим маданият ва спортдаги оламшумул ютуқлар мустақил Ўзбекистоннинг бутун жаҳондаги обрў-эътиборини янада мустаҳкамламоқда.



## Маънавият ва маърифат ўқуви

“Ўзбектелеком” АК Бухоро филиалида “Ўзбекистон ва жаҳон: 20 йиллик доvonлар оша” мавзусида ўтказилган навбатдаги маънавият ва маърифат ўқувида ана шулар хусусида батафсил сўз юритилди. Филиал ходимлари ва ишчи-хизматчилар ҳузурда сўзга чиққан Бухоро озиқ-овқат ва енгил sanoat технологияси институти доценти, сиёсий фанлар номзоди Феруз Вафоев тингловчилар диққат-эътиборини Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни, ўтган 20 йил ичида рўй берган катта ўзгаришлар, жаҳондаги бир қатор давлатлар билан ўрнатилган дипломатик муносабатлар ва бу борада қўлга киритилган ютуқларга қаратди.

Маънавият ва маърифат ўқувида тингловчиларни кизиқтирган саволларга атрофлича жавоблар берилди.

## Яхши дам — меҳнатга ҳамдам

Филиал маъмурияти ва касаба уюшмаси кўмитаси саъй-ҳаракати билан ходимларнинг ишдан бўш вақтларини унумли ўтказишлари учун бир қатор тадбирлар белгиланган.

Яқинда ана шундай йўналишдаги режалардан яна биттаси амалга оширилди. Филиал ходимлари ва ишчи-хизматчиларидан 40 нафари юртимизнинг қадимий шаҳарларидан бири — Самарқанд шаҳрида бўлиб қайтишди. Ал-Бухорий мажмуаси, Регистон майдони, Шоҳи Зинда, Бибихоним ситгари муқаллас қадамжолар, Улугбек обсерваторияси, виллоят марказининг диққатга сазовор жойлари саёҳатчиларни бефарқ қолдирмади. Тарихий обидалар, осориатикалар билан танишиш миллий қадриятларимизни асраш, ўзлгимизни теран идрок этишимизда муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда йил охиригача бошқа бир қатор муҳим тадбирларни ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

Асқар ИСТАМОВ,  
“Хабар”нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

# Сирдарёликлар Самарқандда

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма йиллиги муносабати билан Сирдарё вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитасининг 2011 йил иш режасига республикамизнинг тарихий шаҳарлари, жумладан, Самарқанд шаҳри ва муқаллас қадамжоларга саёҳат, зиёратини ташкил этиш кирилтирилган. Яқинда “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Сирдарё филиали ва филиал таркибидаги почта алоқаси тармоқлари, “З-ШМАТБ,” “Ўзбектелеком” АК Сирдарё филиали ва филиал таркибидаги телекоммуникациялар боғламалари, Алишер Навоий номидаги вилоят ахборот кутубхона маркази, “Матбуот уюшмаси” МЧЖ, “Сирдар-С” МЧЖ, “Inform tech servis”, ХИЧТФ каби ташкилотлар ходимларидан 100 нафарининг Самарқанд шаҳрига саёҳати ташкил этилди.

Алоқа ходимлари сафар давомида дастлаб Жиззах вилоятидаги “Амир Темуր ғори” билан танишдилар. Шундан сўнг Самарқанд вилоятида жойлашган “Имом Ал-Бухорий” мақбараси зиёрат қилинди.

Соҳибқирон Амир Темуր ва бу зоти шарифнинг устозлари, авлодлари ётган “Гўри Амир” мақбараси, мақбара қурилиши ва бошқа тарихий маълумотлар зиёратчиларга таништирилди. Ушбу мақбара ёнидаги “Руҳобод” мақбараси билан танишиш ҳам саёҳатчиларда катта қизиқиш уйғотди. Мутасадди мутахассислар томонидан ушбу тарихий обидалар ва муқаллас қадамжолар ҳақида фойда қизиқарли тарихий маълумотлар берилди. Амир Темуր бобомиз номи билан аталган борда муборак зотнинг буюк ва бетимсол сиймоси акс эттирилган маҳабатли ҳайкали аждоғларимизга кўрсатилаётган



эътибордан яна бир нишона экани зиёратчиларимизда катта таассурот қолдирди.

“Регистон” майдонидаги тарихий обидалар — “Мирзо Улугбек”, “Тиллақори”, “Шердор” мақбараларининг тарихи билан яқиндан танишган саёҳатчиларимиз қадимий ва ҳамisha навқирон Самарқанднинг бетақдор гўзаллигига қойил қолишди. Юртбошимиз ташаббуси билан 2010 йил “Регистон” майдони ёнида уч ярим гектар жойда барпо этилган “Йулбарслар хиёбони” эса саёҳатчиларни янада ҳайратта солди. “Сароймулкхоним” мақбарасининг тарихий обидалар қаторида бетимсоллиги, унинг қурилиши билан боғлиқ тарихий ҳақиқатлар зиёратчиларимизнинг диққат-эътиборларини тортиди. “Шоҳи Зинда” тарихий обидалар мажмуаси катта қизиқиш ва эҳтиром билан зиёрат этилди. Айниқса, Самарқанд салтанатида қирқ йил ҳукмронлик қилган, номи Ой кратерларидан бирига қўйилган буюк алолма бобомиз Мирзо Улугбек расадхонаси зиёрат қилинар экан, ёшларимиз бу улуг зотнинг тафраккур олами ниҳоятда кенглигига яна бир бор қомил ишонч ҳосил қилишиб, ҳайратларини яшира олишмади. Довруғи бутун дунёга маълум

му машҳур расадхонанинг реставрация қилинганлиги, олим бобомизнинг янги ҳайкали ўрнатилганлигидан қалблар тўлқинланиб кетди.

— Мен бундан ўн беш йиллар илгари Самарқандга келган эдим, уни таниёлмай қолдим, — дейди Сирдарё туман почта оператори М.Жўраева. — Алоқачиларимизнинг қадимий ва ҳамisha навқирон Самарқанд шаҳрига саёҳати яхши ташкил этилди.

— Биринчи навбатда, ташкилотчиларга ўз миннатдорчилигимизни билдирган бўлардим, — дейди 3-Шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси муҳандиси Э.Абдуғаниев. — Шаҳардан жуда катта таассуротлар билан қайтдик. Руҳиятимизда тетиклик ҳис қилдик.

Самарқанд шаҳрига биринчи марта борган ёш алоқачи ходимлардан Х.Яриева, Н.Орзиқулова, Н.Аъзамов, К.Ғайбуллаев, О.Ўтанова, Ш.Парманова, Р.Мўминов, Р.Канзиев, меҳнат фахрийларидан Л.Попонова, Х.Мусурмонова, А.Маҳмудовлар саёҳатдан бир олам завқ олишганини, Самарқанд шаҳри куттанларидан ҳам ортиқ даражада гўзал эканлигини эътироф этишди.

Бахтиёр ЮРСУНОВ  
Сирдарё вилояти

# Ҳам саёҳат, ҳам зиёрат

Истиклол берган имкониятлар туфайли юртимизнинг ҳар бир гўшаси боғу бўстонга айланмоқда. Жаҳон сайқали Самарқанд, тарих кўзгусида офтобдек балқиб турган азим Бухоро, асрлар дардини деворларида жо этган Хива, ҳамisha мусаффо Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарларида бўлиш учун нафақат ўлкамиз фуқаролари, балки юзлаб хорижий давлатлардан минглаб сайёҳлар ташриф буюрётганлиги қалбимизни фахру ифтихор туйғулари билан тўлдириши табиий.

Мустақиллигимизнинг шонли 20 йиллиги шарафига Ватанимиз бўйлаб саёҳат қилаётган, юртимиздаги буюк ўзгаришлар ва улкан бунёдкорликларни кўриб қувонаётган алоқачилар сони ҳам тобора ортиб бормоқда.

Яқинда “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Навоий филиали, Абдулла Қодирий номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази, вилоят “Матбуот тарқатувчи” шўъба корхонаси, Шаҳарлараро алоқа корхонаси вилоят бўлинмасидан ташкил топган гуруҳ Соҳибқирон бобомиз Амир Темуր юрти Шаҳрисабзда икки кунлик саёҳатда бўлиб қайтишди.

— Саёҳатчилар таркиби асосан кор-

хоналарда кўп йил меҳнат қилган ишчи-хизматчилардан иборат бўлди, — дейди вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси Муҳаббат Норқулова. — Шунингдек, пенсионерлар, фахрийларни ҳам унутганимиз йўқ. Ёшларимиз ҳам қатордан қолмади. Таассуротлар шунчалик кўпки, айтган билан адо қилиш қийин.

— Ҳақиқатан ҳам, саёҳатимиз жуда мароқли бўлди, — дея сўхбатта аралашди “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Навоий филиали ходими Ўғилой Асатова. — Олам-олам таассуротлар билан қайтдик. Қашқадарё заминидagi ҳар бир ўзгариш ва бунёдкорлик ишларига ҳавасимиз келди. Корхонамиз маъму-

рияти ва касаба уюшмаси кўмитасига раҳмат, бизга ана шундай беул саёҳатни ташкил қилиб бергани учун.

Бундай фикрларни филиал ходимлари Раббим Эшпўлатов ва Ўктам Холов ҳамда Хатирчи тумани почта алоқаси тармоғи ходими Зоҳиджон Сағдуллаев, Нурота тумани почта алоқаси тармоғи ходими Адолат Худойқулова ҳамда Навбахор тумани почта алоқаси тармоғи ходими Мафтуна Бозоровалар ҳам миннатдорчилик билан таъкидлашди.

— Икки кунлик саёҳат адоғида азим Самарқанд шаҳри ва Ал-Бухорий зиёратгоҳида бўлиб, тарихий обидаларнинг боқийлигига яна бир қарра гувоҳ бўлдик, — дейди Умиджон Обидов. — Мозийдан

сўзлагувчи, келажак билан юзма-юз турган бу муаззам мадрасаю миноралар буюк ажлодларимиз шонидан, гуруридан дарак берувчи тарихимизнинг ўлмас ва бетақдор саҳифаси бўлиб қолажак.

Шунингдек, “Ўзбектелеком” АК Навоий филиали жамоасидан 50 кишилик гуруҳ ҳам Хива шаҳрида икки кунлик беул саёҳатда бўлди.

Уларнинг ҳам таассуротлари бир олам: — Мен Навоий шаҳридаги 3-АТСда электромеханик бўлиб 25 йил меҳнат қилдим, ҳозир пенсиядаман, — дейди Шаҳзода Ҳасанова. — Ҳамкасбларимни жуда соғингандим, саёҳат баҳонасида дийдорлашдик, мириқиб сўхбатлашдик.

Саёҳатчиларни Хоразмда “Собир Арқончи” хусусий меҳмонхонасида яхши кутиб олишди, улар Хиванинг тарихий жойлари билан бирга, Шовотдаги Улли пир зиёратгоҳида ҳам бўлиб, мангуликка дахлдор қадамжоларни кўришлар.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги шарафига бошланган юртимиз бўйлаб саёҳат давом этмоқда.

Маруза ҲОСИЛОВА,  
“Хабар”нинг  
Навоий вилоятидаги мухбири

Одна из наиболее острых проблем в информационных технологиях – это защита данных от разрушения. Как каналы передачи данных, так и носители информации на сегодняшний день остаются далекими от совершенства, несмотря на все усилия производителей современных аппаратных средств.

## ИМИТАЦИОННАЯ МОДЕЛЬ

для исследования характеристик помехоустойчивых кодов

Кабельные и беспроводные линии передачи информации подвержены воздействию внешних помех, искажающих форму передаваемых сигналов и тем самым делающих невозможным однозначное распознавание информации на стороне приемника, магнитные и оптические носители информации чувствительны к физическим повреждениям, делающим невозможным чтение информации из отдельных участков на поверхности носителя. В такой ситуации особенно актуальным становится применение специальных технологий информационного резервирования, позволяющих, не только обнаруживать искажения, но и исправлять их.

К наиболее эффективным методам обеспечения высококачественной цифровой передачи информации в условиях повышенного уровня шума канала относятся весьма мощные в настоящее время алгоритмы декодирования корректирующих кодов, в разработке которых теория помехоустойчивого кодирования, несомненно, обладает значительными преимуществами.

С развитием компьютерных сетей и ростом числа сетевых приложений, возникла потребность в надежной передаче информации. Для

борьбы с помехами в системах передачи данных применяется помехоустойчивое кодирование. Помехоустойчивое кодирование выполняет важнейшую роль в цифровых системах передачи данных, которое повышает достоверность передаваемых данных путем внесения систематической избыточности.

Потребность в обеспечении высокой достоверности информации в процессе ее передачи, хранения и обработки, за последнее десятилетие, является одной из важнейших задач, которую необходимо решать в информационно-коммуникационных системах.

Помехоустойчивое кодирование является одним из основных путей решения этих задач.

Разработка помехоустойчивых кодов в различных системах передачи данных, таких как услуга Triple Play усложнена тем, что код должен отвечать сразу нескольким требованиям:

обладать способностью восстановления данных в случае потери целых пакетов при передаче. При этом помехоустойчивый код должен быть корректирующим, т.е. не требовать наличия канала обратной связи между источником и получателем;

обеспечивать высокую эффективность восстановления от ошибок, и тем самым высокое качество восприятия программ;

обеспечивать по возможности регулируемую гибкую схему кодирования, в зависимости от степени зашумленности канала передачи и условий приема потока мультимедиа данных;

обеспечивать как можно меньшую конечную задержку данных (end-to-end delay).

Основываясь на вышеперечисленные требования помехоустойчивого кодирования, разработка кодов, корректирующих потери пакетов данных, является актуальной задачей.

Актуальным также является исследование существующих подходов к реализации систем и разработка способов внедрения помехоустойчивых кодов в рамках современных международных стандартов.

При решении поставленных задач использовались: методы высшей математики, компьютерная алгоритмизация, основы объектно-ориентированного программирования C#, методы линейного кодирования, теории вероятности и машинного моделирования.

**Г. ПРОТОПОВ,**  
бакалавр ТУИТ

Единый оператор связи «Билайн» (ООО «Unitel» и СП «Buzton») подводит промежуточные итоги фотоконкурса «Zo'r-Zo'r Nayot» на корпоративной странице в социальной сети Facebook.

## «БИЛАЙН» ПРОДОЛЖАЕТ РОЗЫГРЫШ

Еженедельно на <http://www.facebook.com/beeline.uz> разыгрывается 3G USB-модем «Билайн», обладателем которого может стать каждый пользователь страницы, разместивший на ней фото на тему Zo'r-Zo'r Nayot / Красная жизнь. Интересные, забавные, необычные и просто позитивные фото – вот то, что нужно для победы в конкурсе. В качестве арбитров выступают сами пользователи, голосующие за понравившиеся снимки.

«Позади уже девять этапов проекта, и мы видим, что его популярность растет с каждой неделей, – комментирует событие старший менеджер по связям с общественностью «Unitel» Ораз Абдуразаков. – С начала конкурса сотни людей разместили на странице Сообщества Ярких около пятисот снимков, некоторые из которых являются настоящими фотосшедеврами. Предстоит еще три этапа, и мы уверены, что лучшие работы еще впереди».

Фотоконкурс продлится до конца июня, и все это время пользователи корпоративной страницы «Билайн» на Facebook еженедельно будут определять лучшие фото, авторам которых и достанутся призы.

## Дружба и красота в творчестве поэта

Хорезмский областной информационно-библиотечный центр совместно с областным отделением союза писателей Узбекистана проводят в эти дни в трудовых коллективах, учебных заведениях, городских и сельских махаллях встречи с представителями творческой интеллигенции Хорезма.

Открывая встречу с известными в области и республике поэтом Ошик Эркином (Эркином Мадрохимовым), директор информационного центра Р. Курбанов отметил, что она проводится в рамках мероприятий, посвященных двадцатилетию независимости Республики Узбекистан и направленных на приобщение жителей области, и прежде всего молодежи, к историческим, духовным и культурным ценностям, более глубокое осознание исторического значения обретения нашей страной государственного суверенитета.

Председатель областного отделения союза писателей Г. Ибадуллаева, говоря о творчестве Ошика Эркина, отметила, что он является автором 22 книг, многих поэтических сборников. Поэтиризм широко известен и почитаем не только в нашей республике, но и за ее пределами. Песни на стихи Ошика

Эркина пользуются большой популярностью в Туркменистане, Турции, Азербайджане.

Многие годы проработавший корреспондентом республиканских газет и Узбекского радио, затем четверть века возглавлявший областное отделение союза писателей Ошик Эркин в своих произведениях передает красоту родного Хорезма, самобытность его культуры и искусства. В достанах он возмечивает своих земляков-хорезмийцев, их вклад в экономический и социальный расцвет края.

2) Тўғридан-тўғри Wine пакетини ишга тушириб ўрнатиш мумкин. Масофадан серверга уланганда (SSL тартибидан ишлайди) ва 10000 порт билан уланади. Масалан: [https://nom\\_domen.uz:10000](https://nom_domen.uz:10000) кўринишида бўлади.

Пулли дастурлар, яъни Linuxsonf дастури билан таққосланганда.

Webmin серверларни масофадан туриб бошқаради ва web-браузер орқали ишлаш имконияти мавжуд. Linuxsonf дастури Web-браузер орқали ишламайди, балки терминал билан ишлайди, натижада фойдаланувчи учун тизимни бошқаришда қийинчилик туғдиради.

Webmin дастурининг камчиликлари:

- (10000) портнинг очиқлиги.
- Фойдали жиҳатлари:
- аниқ ва равшанлиги;
- тизимнинг қулайлиги.

Webmin: Дастур ёрдамида тизимни сошлаш мумкин, яъни дастур тилини ўзгартириш, ҳар хил дизайн-даги интерфейсни танлаш, модуллари ўрнатиш ва сошлаш, дастури интернет орқали янгилаш, SSL

шифрлаш усулида маълумотларни узатиш ва қабул қилиш имкониятлари мавжуд.

Тизим: Фойдаланувчиларни бошқариш, яъни фойдаланувчиларнинг парол, логинларини ўзгартириш ва ҳуқуқий рухсат бериш ҳамда дастур пакетларини ўрнатиш ва сошлаш мумкин.

Хизматлар: Дастур Apache сервер, почта функциялари, Samba (файлларга рухсат бериш), Web-прохулар, DHCP (динамик хост протоколи), маълумотлар базаси (MySQL ва PostgreSQL) ва бошқалар мавжуд.


Тармоқ: Тармоқда трафикни мониторинг қилиш, файлларни жўнатиш (NFS тизими), мижоз ва серверларга хизмат кўрсатиш (NIS), брандмауерларни (iptables ва Shoreline) сошлаш имкониятлари мавжуд.

Дастурий таъминот: локал дискларга бўлиш, тизимни ўрнатиш, масофадан CD-дискка файлларни ёзиш имкониятлари мавжуд.

DNS сервери билан ишлаш. BIND DNS модули.

Linux тизимида BIND (Berkeley Internet Domain) DNS сервери оммабоқдир. Бу модулнинг бир қанча шакллари мавжуд. Охириги BIND 9 ҳисобланади.

### BIND 9 DNS модулининг кўриниши



Хулоса қилиб айтганда, бу дастур жуда қулай. Ҳозирги кунда очиқ кодли (Open Source) дастурий таъминотлар жуда ҳам ривожланмоқда. Бу тизимни маҳаллийлаштириш мумкин.

О.ЖўРАЕВ,  
ТАТУ "Электрон тижорат"  
кафедраси катта ўқитувчиси,  
А.АБДУЛЛАЕВ,  
ТАТУ 1-босқич магистранти

# Гапнинг қисқаси...

## ➔ СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

Бугунги кунда тезкор алоқа воситаси бўлган уяли алоқа телефон хизматидан ёшу қари, барча бирдек кенг фойдаланмоқда. Тўғри, уяли алоқа воситасининг қулай, афзаллик томонлари кўп. Аммо, кейинги пайтларда дунё олимлари мобил телефонларининг, айниқса, ёшлар асаб тизимига таъсири, зарари ҳақида матбуот нашрларида, телерадио каналларида такрор-такрор огоҳлантирмоқдалар.



Шунга қарамадан, баъзи ота-оналар мактаб ёшидаги фарзандларига бир-бириндан қиммат "сотка"лар олиб беришмоқда. Балки улар фарзандларидан доимо хабардор бўлиб туриш учун шундай йўл тутишаётгандир. Аммо, эркатой фарзандларини хархашасидан қутилиш, кўнглини олиш, қолаверса, бошқалардан кам жойлари

йўқлигини кўрсатиб қўйиш учунгина мактаб ёшидаги фарзандларига уяли телефон олиб бераётган ота-оналар ҳам бор.

Афсуски, айрим ёшлар қўларидан дастурдан сўзлашув мақсадларида эмас, асосан, жангари фильмлар, беҳаё суратлар, клипларни томоша қилишда фойдаланишмоқда. Айрим ёшларимиз-

нинг бетгачопар, тошбағир, инсофсиз бўлиб қолишларида уяли телефонлар орқали кенг тарқалаётган зарarli томошалар ҳам сабаб бўляпти, деб айтиш мумкин.

Фикримча, ота-оналар болаларига уяли телефон совға қилганларига яраша уни мунтазам равишда, синчиклаб назоратдан ўтказиб турсалар, ўзларини ҳам, фарзандларини ҳам турли нохуш, ҳодиса-воқеалардан ҳимоялаган бўлардилар.

Гапни қисқасини айтганда, бу борадаги эътиборсизлик, хотиржамлик, бепарволикка барҳам бериш зарур.

Таълим масканларида қўл телефонининг инсон, жумладан, ёшлар саломатлигига зарари ҳақида доимий суҳбат, тушунтириш ишларини олиб бориш фойдалан холи бўлмасди. Керак бўлса, келажагимиз бўлган фарзандларимизни таълим-тарбия муассасаларига уяли телефон билан киришларига бутунлай чек қўйилгани маъқул.

Сиз бунга нима дейсиз, азиз газетхон, азиз ота-оналар?

Асқарали АНБАРЖОНОВ,  
Сўх телекоммуникациялар  
боғламаси мутахассиси



# Зиёкорлар

— Қизим, газеталарим келгандир-а, — деди бир нуруний пештоқига «Матбуот» деб ёзилган дўкон сотувчисига қараб.

— Албатта отахон, — дея хушмуомалалик билан жавоб қайтарди сотувчи аёл. — Марҳамат, мана бу республика миқёсида, булари эса вилоятимизда чоп этиладиган нашрлар. Доимгидек сиз учун алоҳида олиб кўйганман.

— Умрингдан барака топ қизим, кексалигимга бориб вақтида келолмасам ҳам мен ўқийдиган газеталар тугаб қолмаслигини билман. Чунки ҳамisha мана шундай гамхўрлигингдан баҳрамандман. Ҳа айтгандай, сизларда обуна бўлишга ҳам имконият бор экан-а. Корхонангиз орқали ўзим яхши кўрган газета ва журналларга обуна бўлсам-миким деб турибман.

— Жуда тўғри уйлабсиз отахон. Бу борда сизга, албатта, кўмак берамиз, барча керакли ҳужжатларни шу ернинг ўзида расмийлаштирамиз ҳамда нимага ёзилсангиз, барчасини дўкондан ўз вақтида олишингизни таъминлаймиз.

Шу каби суҳбатларга Наманган вилоят «Матбуот тарқатувчи» шўъба корхонаси тизимидаги 100та «Матбуот» дўконининг кўпчилигида гувоҳ бўлиш мумкин. Ушбу дўконларда фаолият кўрсатаётган ходимлардан, айниқса, Наманган шаҳридаги 6-дўкон сотувчиси З.Усмонов, 24-дўкон сотувчиси Х.Тургунов ва бошқаларнинг меҳнатини алоҳида таъкидлаш лозим. Уларнинг савий-ҳаракатлари туфайли газета-журнал харид қилувчи ва обуначилар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

— Газеталарнинг хариддорчилигида уларнинг мазмуни, сифати катта аҳамиятга эга эканлигини инкор этмаймиз, — дейди «Дунё ва давр» газетаси бош муҳаррири Раҳимжон Ирисов. — Аммо, «Матбуот» дўконларидаги ходимларнинг хушмуомалалиги, мухлисларнинг ёши ва қизиқишига қараб газета-журнал танлашларида ёрдам беришлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Шу жиҳатдан олиб қарганда, вилоят «Матбуот тарқатувчи» шўъба корхонаси жамоасидан доимо миннатдоримиз.

Юқориди обуна масаласига ҳам тўхталиб ўтдик. Корхонамиз томонидан 2011 йил учун 450 номдаги 43475 нусха газета ва журналларга обуна ташкил этилди. Уларнинг умумий суммаси 825 млн. сўмга тенг бўлиб, бу

ўтган йилга нисбатан 41 фоизга кўп демакдир. Шу йўналишда «Матбуот тарқатувчи» билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйган 235та корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда якка тартибдаги обуначиларга матбуот нашрлари корхонамиз томонидан кечиктирмастан мунтазам етказиб берилиши таъминланмоқда.

— Биз 28 номдаги 435 нусха газета-журналларга «Матбуот тарқатувчи» шўъба корхонаси орқали обуна бўлганмиз, — дея эътироф этди Республика шошилинич тез тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали раҳбари Азиз Эрматов. — Айни пайтда корхона ходимлари бу нашрларни бизга ўз вақтида етказиб бермоқдалар. Шу боис ҳамкорликни келгуси йилда ҳам давом эттиришига қарор қилдик.

Корхонада шу сингари ютуқлар анчагина ва уларнинг негизиди тинимсиз меҳнатлар мавжудлиги ҳам айни ҳақиқат. 6-7 йил олдин фақат зиёнга ишлаган корхонамиз фойда келтирадиган даражага келишида, албатта, бир тан-бир жон бўлиб фаолият кўрсатаётган аҳил жамоанинг, қолаверса, улар етакчиси Х.Мамадалиеванинг муносиб ўрни бор. Аниқроқ қилиб айтганда, эркин рақобатта кенг йўл очилган ҳозирги даврда бирон-бир ижобий натижага эришмоқлик ўз-ўзидан бўлавермайди. Бунинг учун доимий изланувчанлик, олдинги интилиш, гайрат-шижоат, фидойилик талаб этилади. Тиниб-тинчимас, ташкилотчи раҳбар Холисхон Мамадалиева бошчилигида 40 кишилик жамоанинг ҳар бир аъзосида ҳам ана шундай фазилатларнинг барчаси мужассам, десак асло муболага эмас. Корхона обуна бўлими бошлиғи Жамила Абдуллаева ва Косонбой туман иш юритувчиси Гулчехра Ваҳабова каби ишчи-хизматчиларнинг бошқаларга ўрнак эканлигини эътироф этмоқлик ўринлидир.

Ҳа, бугун Наманган вилоят «Матбуот тарқатувчи» шўъба корхонасида ҳаёт ҳар қачонгидан ҳам қизгин. Гап шундаки, жамоамиз мустақиллигимизнинг йигирма йиллик байрамини ютуқлар билан қутиб олишга пухта тарадуд кўряпти. Инсонларга зиё улашга ҳам касбларимизнинг эзгу мақсадлари рўёбга чиқишига тилакдошимиз.

**Ҳасанбой ХОЛБОВЕВ,**  
корхонанинг Наманган шаҳри  
бўйича иш юритувчиси

Халқимизнинг “Дарахт бир жойда кўкаради”, деган жуда ибратли мақолини кўп эшитганмиз. Бунинг замирида касбга меҳр, ўз ишига катта садоқат ва ҳаётдаги барча қийинчиликларни енгиш йўлидаги метин ирода тушунчалари мужассамлашган. Қаҳрамонимиз ҳам ана шундай меҳрли ва фидойи инсонлардан.

## Тақдиридан миннатдор

Рисолат Амонова 1978 йилда Янгирабод почта алоқаси тармоғида иш бошлаган. Тўғриси айтганда, бу соҳа кўпчилигини эътиборига тушмайдиган касб бўлса-да, лекин жуда қадрли ва шарафли. Буни шу касбни эъзозлаб келаётганлар яхши билишади. Ахир, одамларга зиё улашш, уларнинг маънавиятини юксалтиришга ҳисса қўшиш баъзилар ўйлаганидек осон эмас. Иш бошлаган дастлабки йилларда минглаб нусхада келадиган газета ва журналларни манзил бўйича ажратиш, ўз вақтида жўнатишда Рисолат опанинг хизматлари кўп бўлган. Мустақиллик йилларида почта тизими ҳам ислоҳ қилинди, туб ўзгаришлар юз берди. Рисолат опа ҳам астойдил ишлади. Меҳнатлари зое кетмади. Унга шараф келтирди, ҳурмат ва эътибор топди. 2001 йилда “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги” кўкрак нишони билан тақдирланди. Кейинчалик эса Ватан мукофоти сазовор бўлди — “Шуҳрат” медалини олди.

Рисолат Амонова буларнинг барчаси учун ўз устозлари Нажмиддин Избосаров ва Гулчехра Раҳимовалардан миннатдор эканлигини кўп такрорлайди. Уларнинг ҳаёт мактабидан ўрганганларини ўз шоғирдлари Зокир Ражапов, Зебо Избосарова, Матлуба Ражапова, Марҳаб Файзуллаева, Камол Худойкулов, Зафар Маҳмудов ва Дилбода Ойдиноваларга кунт билан ўргатишни ўзи учун фахр деб ҳисоблайди.

— Турмуш ўртоғим Йўлдош ака туман сув хўжалиги бошқармасида муҳандис. Тўрт нафар фарзандни вояга етказдик, — дейди Рисолат опа. — Тўнғич ўғлимиз Бахтиёржон шифокор, Шерзод ҳам сув хўжалиги тизимида ишлаяпти, Нилуфар қизимиз Тошкентда яшайди, Беҳзод Тошкент молия институтининг магистранти, насиб этса шу йил тугатади. Фарзандлар учун яшадик, шу юрт учун меҳнат қилдик, ҳалол, фидойи инсон бўлсин дедик. Аллоҳга шукр, улардан кўнглимиз тўқ. Қувончли ва ташвишли кунларимдаги сабр-тоқатларим, юрак ҳовучлаб болаларимнинг йўлига кўз тикиб кутган дамларим бежиз кетмади. Фарзандларим элга муносиб, юртга фидойи инсонлар бўлиб вояга етганидан мамнунман. Тақдиримдан миннатдорман.

**Маруся ОТАҚУЛОВА**

## Серегул — фахримиз

Оқманғит тумани илғор алоқачилари орасида Кўтонқўл алоқа бўлими бошлиғи Серегул Тўлибоева алоҳида ўрнига эга. У қарийб ўттиз йилдан буён алоқа соҳасида ишлаб, ҳалол меҳнатлари билан ҳурматга сазовор бўлди.

Серегул Тўлибоева ўтган йиллар мобайнида телеграфчи, телефончи вазибаларида, 1985 йилдан ҳозиргача Кўтонқўл алоқа бўлими бошлиғи вазибаларида ишлаб келмоқда. Алоқа бўлими Жомонша, Тўқимбет, Ажим, Абатжан овулларига ҳамда худуддаги мактабга хизмат кўрсатмоқда.

— Касб сирларини пухта эгаллаш мақсадида 1990 йили Нукус алоқа техникумини тугатдим, — дейди Серегул. — Шу касб орқали ўз бахтимни топдим. Турмуш ўртоғим билан икки ўғил, бир қизни вояга етказдим. Қизим Тўлғоной мен билан касбдош. Уғлим Мағсум Нукус Давлат педагогика институти талабаси, Асилғўзи Нукус қишлоқ хўжалиги касбхўна қоллежида таҳсил оляпти.

Нафақачилар Людмила Ким ва Олег Хомчуклар ҳам Серегул ҳақида яхши гаплар айтишди. Худди шундай гапларни туман почта алоқаси тармоғи бошлиғи Клара Мусақуловдан ҳам эшитдик.

Серегул каби фидойи ходимлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

**Раҳимжон БОЛТАБОВЕВ**  
Хўжайли тумани

2011 йил 2 июн куни ОАТ “Алоқабанк”нинг Бош биносида “Болалар расмлари галереяси” танлови якунлари ва голибларни тақдирлаш талбири бўлиб ўтди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ташкил этилган ушбу танловда банк ходимларининг фарзандлари ўз ишлари билан иштирок этишди.

Мазкур танлов ёш авлод қалбида атроф-муҳитни асраш, она табиат, оила каби эзгу тушунчаларни шакллантириш, содда ва беғубор ижод намуналарини холис баҳолаб, уларнинг миллий қадриятларимиз, маданият ва санъатга бўлган меҳрларини янада ошириш мақсадида ташкил этилди.

Танлов кўргазмасида мактаб ва мактабгача ёшдаги болаларнинг энг яхши расмлари ва қўлда ясалган саксондан ортиқ ишлари намойиш этилди. Уларнинг мавзуси хилма-хил — эртак қаҳрамонлари, афсонавий ва ҳаёлий жонзотлар, ҳайвонот дунёси, табиат, сەҳрли шахарлар, дунё халқларининг миллий ли-

## «Болалар расмлари галереяси» танлови



бослари ва бошқалардир. Расмларни чизишда рангли қалам, акварел, фломастер, гуашдан фойдаланилган, шунингдек, мозайкадан ишланган асарлар ҳам бор.

Турли номинациялар бўйича голибларга қуйидаги диплом ва эсдалик совғалари топширилди:

Биринчи номинация, 1 дан 3,5 ёшгача — Мухсинобону Мамбетова;

Иккинчи номинация, 4 дан 6,5 ёшгача — Румия Раҳмонова;

Учинчи номинация, 7 дан 10 ёшгача — Семен Лебеденко ва Дилрабо Шоисламова;

Тўртинчи номинация, 11 дан 14 ёшгача — Нигора Абдураҳимова ва Хосият Зоҳидова;

Бешинчи номинация, бисер, картон, газламадан тайёрланган ишлар учун — Нозима Оқилова.

Танлов мобайнида болалар кўнгирчоқ театри иштирокида театрлашган шоу ташкил этилди.

**ОАТ “Алоқабанк”**  
матбуот хизмати

## ➤ ЕНТИЙОТ ҚИСМЛАР БУРЧАГИ

**Ушбу янги рукн остида бериладиган материалларда алоқа ва ахборотлаштириш, компютер технологиялари соҳасида аҳамиятли бўлган қурилма ва мосламаларнинг тузилиши, улардаги махсус қисмларнинг фаолияти, технологияларга киритилаётган янгиликлар ва уларнинг яратилиш тарихи тўғрисида сўз юритилади.**

Тараққиётнинг янги босқичлари ҳақида гапирганда ҳар бир соҳада тугма(клавиш)ларнинг аҳамияти ошиб кетаётганини айтиб ўтиш жоиз. Гапимдан ажабланишингиз мумкин, аммо кўп ишларни фақат тугмани босиш орқалигина бажараётганимизни инкор қилиб бўлмайди. Зеро, биз эшикларни тақиллатмаймиз, чақирув тугмасини босамиз. Дугор ва танбур, доира ва қамишдан ясалган найда эмас, роял, орган, клавесин, челеста, синтезатор каби мусиқа асбобларидаги клавишларнинг махсус кетма-кетлиги орқали санъат асарлари яратилмоқда. Компютер ҳам клавиш

қўз олдимизга келтиради. Функционал мажмуа эса компютердан фойдаланувчининг қўл ҳаракати, клавиатурада бажариладиган фаолият десак адашмаймиз. Унга кўра битта тугмани босиш орқали битта ҳарфни экранда пайдо қилиш ёки иккита тугмадан бирданига фойдаланиш орқали битта ҳаракатни амалга ошириш имкони пайдо бўлади. Биринчи ҳолат «скан-код» ҳаракати номини олган. Скан-кодда клавиш устида акс этган символ клавишни босиш орқали экранда ҳосил бўлади. Унга кўра, белгиланган тугмача доимий битта вазифани бажаради. Дастурли тугмалар эса скан-код ва бел-

Вашингтон университети профессорлари Август Дворак ва Виллям Дилли томонидан 1936 йилда бизга таниш бўлган, кундалик ишлатётган QWERTYга ўхшамайдиган инглизча символлар тўплами яратилди. Ҳозирги кунда катта амалиёт тизимларида (масалан, GNU/Linux, Mac OS ва Microsoft Windows) Дворак клавиатурасидан фойдаланади. Шунга қарамасдан, ҳалигача кўпчилик фойдаланувчилар QWERTYдан тўлиқ воз кечишмаган. Дворак мажмуаси матн териш жараёнида самарасизликни йўқотиш ва олдинги QWERTYдаги камчиликларни бартараф қилиш

кетма-кет келувчи ҳарфлар бир-бирига ёпишган ҳолатда бўлишига йўл қўймаслик кўзланган. Шундай ҳолатда ҳарфларни териш осонлашади. Баъзи манбаларда эса QWERTY тўплами мантни териш тезлигини камайитириши мумкинлиги тўғрисида гапирилади. Дворак мажмуа эса мана шу нуқсонларни бартараф қилиш мақсадидаги изланишлар натижасида ишлаб чиқилган. Қизиқарлиси, Дворак клавиатурасидаги рақамлар кетма-кетлиги ҳам ажойиб тарзда берилган: 7531902468.

Шунингдек, Дворак мажмуининг фақат ўнг қўл ёки чап йўл билан ишловчи фойдаланувчилар учун махсус тузилган шакллари ҳам бор. Дастурчилар учун махсус ишлаб чиқилган кетма-кетлик эса муҳандис Роналд Кауфман томонидан яратилган бўлиб, C, Java, Pascal, HTML, CSS ва XMLда кодларни ёзувчи фойдаланувчилар учун мўлжаллаган. Мазкур кетма-кетлик клавишларнинг алмашишига асосланган бўлиб, Дворакнинг соддалашган турининг бир неча функцияларни ўзида мужассамлаштирган, дастур яратувчиларнинг ишини ҳисобга олган ҳолда уларга махсус қўшимчалар киритилгани билан аҳамиятлидир. 2005 йилда Гиннес рекордлар китобига киритилган матнни энг тез терувчи Барбара Блэкберн ҳам айнан Дворак кетма-кетлиги ишлатилган клавиатурдан фойдаланган эди. Маълумот ўрнида айтиб ўтиш керакки, у дақиқасига 212тагача сўз теришга муваффақ бўлган.

Бугун клавиатуралар ҳам турфа шаклларда намоён бўлмоқда. 12та тугма бўлгани учун бир вақтлар телефондаги клавишлар хабар ёзишда қийинчилик туғдиргани рост. Ажабланарлиси, бу борадаги кўникма тезлик билан шаклланган. Аммо матн териш учун мўлжаллаган янги мосламаларнинг ҳаммаси ҳам мана шундай муваффақиятга эриша олармикин? Канадалик ишлаб чиқарувчилар таклиф қилаётган «Kee4 Keyboard» номли янги матн териш мосламасининг бор-йўғи тўртта тугмаси мавжуд бўлиб, шу орқали барча ҳарф, сон ва ва махсус белгиларни териш, шунингдек, олдий клавиатурадаги каби бир тилдан бошқасига кўчиш имкони бор. Иختирода лотинчадаги барча ҳарфлар атиги иккита ҳаракат орқали кодлаштирилади. Ундан фойдаланиш учун эса тугмаларни босиш сони ва тўхташ керак бўлган жойларни эслаб қолса, kifoya.

Шунингдек, бугунги кунда виртуал клавиатура тушунчаси пайдо бўлган бўлиб, фойдаланувчилар учун бу ҳам ўзига хос имкониётдир. Энди компютер экранидagi тасвирдаги ҳарфларнинг устида сичқонча стрелкасини босиш орқали матн териш ҳам мумкин. Ёки матн териш қурилмасининг ингичка юзасида қўл ҳаракати билан ишловчи клавиатура ҳам виртуал турга мисол бўла олади. Интернет сайтларида ҳам виртуал клавиатуралар мавжуд бўлиб, бу турдаги хизматлар ҳарфларни бир ёзувдан иккинчисига ўтириб беришга ҳам хизмат қилади. [www.keyboard.su](http://www.keyboard.su) сайтида мана шундай виртуал клавиатурадан фойдаланиш имкони бор.

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш мумкинки, энди матн териш учун «Kee4 Keyboard» каби тўрт тугмали клавиатура эмас, сичқончанинг ўзи ҳам етарли бўлиб қолмоқда.

Санобар ЖУМАНОВА

# ТУГМАЛАР

## асосий кўмакчи!

(клавиш — турли механизмларда (ёзув машинкаси, компютер ва б.) сигнални ўзгартириб, ҳарф(белги) туширадиган мосламанинг ҳаракатга келтирувчи қисми)ларни босиш орқали бошқарилади. Мана шу каби ўзгаришлар оқибатида хаттотлик санъатининг ўрнини олдинга ёзув машинкасида, сўнг компютерда матнни тез ва беҳато териш кўникмаси, малакаси эгаллади. Бугун компютер билан бирга ҳаётимизга чуқур кириб келиб, мустаҳкам ўрнашиб олган кундалик турмуш таризимиздаги клавишларнинг энг кўпини ўзида мужассамлаштирган клавиатура, ундаги ҳарф, рақам ва белгиларнинг қандай асосларга кўра айнан мана шу тартибда жойлаштирилгани ва виртуал клавиатурадан қандай фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида гапиришни жоиз топдик.

Содда тилда айтиладиган бўлсак, клавиатура ўзида тугмалар тўпламини мужассамлаштирган қурилма. Қўл бармоқлари ёрдамида ундаги клавишларни босиш орқали ўша клавиатура уланган аппаратга ўзимизга керакли бўлган функцияни бажаришга буйруқ бера оламиз. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида берилишича, клавиатура лотинча «clavis» — қалит сўзидан олинган. Унинг турлари ҳам бисёр бўлиб, ҳозирги кунда сенсорли тур ҳам омалашиб бормоқда. Халқаро келишувга мувофиқ матн териш мосламаси мажмуа, яъни у компютер клавиатураси, ёзув машинкаси клавишлари ва ё бошқа матн териш учун мўлжалланган қурилманинг тугмалар йиғиндиси бўладими, матнни ифодалаш учун зарур бўлган типографик белгилар (ҳарф, сон, тиниш белгилари ва бошқалар)ни ўзида мужассамлаштириши даркор.

Клавиатурани бир неча қисмга бўлиб ўрганиш мумкин. Шулардан биринчиси механик мажмуа бўлиб, шакл, ҳажм ва клавиатурадаги тугмаларнинг жойлашиш тартиби мана шу қисмда кўрсатилади. Визуал мажмуа эса клавишларни маркалаш, белгилар кўйишни ўз ичига олади. Биз кўпроқ клавиатура деганда айнан мана шу маркалаш қисмини

гилар коддан ташкил топган бўлиб, унинг ёрдамида экранда клавиатурада мавжуд бўлмаган ҳарф ёки белгини пайдо қилишга имкон яратилади. Бошқача айтиладиган бўлсак, клавишлар устида ёзилган белгининг экранда пайдо бўлишини биринчи мажмуа ўз ичига олса, тугмачаларда акс этмаганини пайдо қилиш эса махсус дастурлаштириш орқали амалга оширилади. Бу имкониятларни кенгайтиришга қаратилган усуллардан биридир.

Қизиқарлиси, битта ёзма тил учун турли клавишлар мажмуидан фойдаланиш мумкин. Масалан, мавжуд ЙЦУКЕН(клавиатура бошидаги ҳарфларнинг кетма-кетлиги номланшига асос бўлган) ва фонетик мажмуалари рус тили учун бирдай қулай. Дворак ва Colemak инглиз тилида матн теришда самарали фойдаланилади. Лотин алифбосига асосланган QWERTY Microsoft Windows амалиёт тизимлари оиласига тааллуқли бўлган тизимларда инглиз, болгар, хитой, корей ва япон тилларида ҳам самарали «фаолият олиб боради».

Microsoft Windows компютер клавиатураси PC/AT номини олган. Тугмаларнинг бу асосий мажмуаси ўзида 101 ёки 102та клавишни мужассам қилади. Бу ҳамма учун бирдай таниш бўлиб қолган тартибда, ана шундай кетма-кетликда намоён бўлади. Аслида бу кетма-кетлик 26та ҳарфдан ташкил топган инглиз тили учун махсус лойиҳалаштирилган. Ўзгарилиши, клавиатура тўплами тез ҳаракат қилувчи телеграф радиоалоқасида ҳам ишлатилиши мумкин. Алифбороқамли клавиатурадан эса техник ва механик қурилмаларни (ёзув машинкаси, компютер, калкулятор, касса аппарати, телефон тугмалари) бошқаришда фойдаланилади.

Шу ўрнида клавиатурадаги ҳарфларнинг кетма-кетлигининг пайдо бўлиши тарихи ва уларнинг турлари тўғрисида гапириб ўтиш зарур.



мақсадида ишлаб чиқилган. QWERTY эса 1870 йилда биринчи марта сотувга чиқарилаётган ёзув машинасида жорий қилинган эди. Унинг ихтирочиси Кристофер Шоулз бўлган.

Ўқувчилик пайтларимда компютер териш мосламасида нега алифбо тартибидан фойдаланиб қўя қолишмаган экан, деб ўйлардим. Айниқса, тез матн териш кўникмасини ўзлаштириш жараёнида қийинчилик сезганимда QWERTY мажмуининг қандай асосларга кўра келиб чиққани тўғрисида саволлар пайдо бўлган. Кейинчалик билсам мазкур кетма-кетликнинг ўзига хос маъносини, мақсади мавжуд экан. «Википедия» электрон манбасида берилишича, мазкур тақсимот ҳарфларнинг сўзларни ташкил қилишидаги ўрнига қараб амалга оширилган. Терувчи адашмаслиги учун сўзларда кетма-кет келувчи ҳарфлар клавиатуранинг турли қисмларида жойлашган бўлиши зарур. Яъни, ҳарфларнинг ўзига хос тақсимоидан

## Омад ёр бўлсин, ўсмирлар!

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Мексика-2011 мусобақасида иштирок этиш учун Тошкент-Истанбул-Мадрид-Мехико сити-Торреон йўналиши бўйича учиб кетди.

Ўзбекистон футбол федерациясида бўлиб ўтган йиғилишда ўсмирларимизга ЎФФ раҳбарияти омад тилади.

Ёшларимиз ўз гуруҳида Чехия, АҚШ ва Янги Зеландия ўсмирлари билан куч синашилади. Демак, вакилларимизни ўта масъулиятли беллашувлар кутмоқда. Ўзбек футбол мухлислари номидан Алексей Евстафеев бошчилигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасига омад тилаб қоламиз.



## Полвонларимизнинг боши баланд

Пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуасида самбо бўйича Осиё очик чемпионати ва самбо юддузлари ўртасидаги жаҳон чемпионати якунланди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Осиё самбо федерацияси (АСФ) ҳамда мамлакатимиз самбо федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган Осиё очик чемпионатида йигирмадан зиёд давлатдан 500 нафарга яқин спортчи тўққиз вази тоифасида голиблик учун куч синашди. Мусобақа доирасида ташкил этилган самбо юддузлари ўртасидаги жаҳон чемпионатида голиб ва совриндор бўлган номдор полвонлар гиламга чиқди.

Самбо бўйича катталар ўртасидаги беллашувларда ҳамюртларимиз беш олтин, олти кумуш ва бир бронза медални қўлга киритишди.

Ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги баҳсларда гиламга чиққан спортчиларимиздан С.Иброҳимов, К.Холмаматов, Н.Тўраев ва М.Жуманова ўз вази тоифасида шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Иқтидорли полвонларимиздан А.Файзуллаев, Ж.Рауфов, Н.Ишметов, Ш.Йўлдошева, М.Салоҳиддинова, Г.Олимова, М.Эсонова ва Д.Темирова кумуш медал билан тақдирланган бўлса,

А.Ҳожиев, Ш.Кўчқоров, М.Худойназарова, Д.Ҳалимова ва С.Исмоилова бронза медални қўлга киритди.

Ёшлар ўртасидаги баҳсларда спортчиларимиз — Г.Зиёева ва М.Мирзаева олтин медалга сазовор бўлди. В.Искандаров, О.Қодиров, Э.Раҳимов, Ю.Норматова, Д.Исроилова, В.Озаева ва М.Хўжаёрова иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, А.Хусанов, Ш.Агаев, Ф.Йўлдошев, Ф.Ақтомов, Р.Жумаев, Р.Тўхтарбоева, Ч.Кўчқорова, Ш.Оқбўтаева ва Р.Умедова кучли учликдан жой олди.

Жанговар самбо бўйича беллашувларда полвонларимизга тенг келадигани топилмади. Тажрибали полвонларимиздан Фаррух Жумаев, Илҳом Йўлдошев, Ислоҳ Азимов ва Азамат Турданов Осиё чемпиони бўлди.

Самбо юддузлари ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этган вакилларимиздан — Ў.Ражабов, Д.Ҳамроев, С.Азимов, И.Асадов, М.Мирзаева, Э.Умерова, Г.Исмаилова ва Р.Тўхтарбоева мусобақанинг олтин медални қўлга киритди.



## Шахмат усталари Тошкентда

Пойтахтимизда шахмат бўйича эркалар ўртасида жаҳон кубоги ва хотин-қизлар ўртасида жаҳон биринчилигида иштирок этадиган шахматчиларни аниқлаш бўйича Марказий Осиё мамлакатларининг 3.4-минтақавий саралаш мусобақаси бошланди.

Мусобақаларда Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистондан жами ўттиз нафар шахматчи узаро дона сурмоқда. Эркалар ўртасидаги мусобақаларда дастлабки икки ўринни эгаллаган шахматчи жорий йил Россиянинг Ханти-Мансийск шаҳрида бўладиган жаҳон кубоги мусобақасининг финал босқичида қатнашади. Хотин-қизлар мусобақаси голибаси эса жаҳон биринчилигида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

16 июнгача давом этадиган беллашувларда юртимиз шарафини Антон Филиппов, Жўрабек Ҳамроқулов, Марат Жумаев, Нафиса Мўминова, Олга Собирова каби кучли шахматчиларимиз билан бир қаторда истеъдодли ёшлар ҳам ҳимоя қилади.



## Гроссмейстеримиз — халқаро турнир голиби

АҚШнинг Чикаго шаҳрида шахмат бўйича «Чикаго опен-2011» халқаро турнири ўзбекистонлик гроссмейстер Темур Гареев галябаси билан якунланди.

«Чикаго опен-2011» халқаро турнирида дунёнинг турли мамлакатларидан келган юз эллик нафарга яқин шахматчи Швейцария тизими бўйича тўққиз турдан иборат беллашувда голиблик учун куч синашди. Халқаро гроссмейстеримиз Т.Гареев турнир давомида ҳиндистонлик Гаури Шанкар, латвиялик Виктория Ни, америкалик Майкл Бодек, Дмитрий Гуревич, Роберт Хангаски, беларуслик Владимир Романенко, грузиялик Тамаз Гелашвилини мағлубиятга учратиб, филиппинлик Жулио Салорра билан дуранг ўйнади. Жами 7,5 очко жамгарган ҳамюртларимиз кучли гроссмейстерлар — ҳиндистонлик Пендьяла Харикришна, америкалик Роберт Хесс ва Алехандро Рамиресни ярим очко ортада қолдириб, бош совринни қўлга киритди.

## ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

### Катта ўқитувчилар

Радиотехника ва радиоалоқа — 1, Менежмент ва маркетинг — 1, Компютер тизимлари — 1, Алоқа қурилмалари электр таъминоти — 1.

### Ассистент (ўқитувчи)лар

Ахборот технологиялари кафедраси — 2, Телевидение ва радиоэшитириш — 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етуқ мутахассислари қатнашишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй.  
Телефон: 238-64-06.

### Ўтганларнинг охири оёб бўлсин

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Жиззах филиали жамоаси шаҳар почта алоқаси тармоғининг 11-алоқа бўлими бошлиғи **Абдуқодир ЖўРАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

## «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбектелеком» АК акциядорларининг умумий йиғилиши 2011 йил 18 июн куни соат 10:00да Тошкент шаҳар, А.Темур кўчаси, 107-уйда жойлашган «ЕХРО» меҳмонхонасининг мажлислар залида бўлиб ўтади.

### Кун тартиби:

1. «Ўзбектелеком» АК акциядорларининг умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш тўғрисида.
2. «Ўзбектелеком» АКнинг 2010 йил якуни бўйича молиявий-ҳўжалик фаолияти ҳисоботи тўғрисида.
3. «Ўзбектелеком» АКнинг 2010 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти якуни бўйича тафтиш комиссия ҳулосасини тасдиқлаш тўғрисида.
4. «Ўзбектелеком» АКнинг 2010 йил бухгалтерлик баланси ва йиллик ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
5. «Ўзбектелеком» АКнинг 2010 йил натижалари бўйича соф фойдани тақсимлаш ва дивидендлар тўлаш тўғрисида.
6. «Ўзбектелеком» АК Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.
7. «Ўзбектелеком» АКнинг 2011 йил Бизнес-режасини тасдиқлаш тўғрисида.
8. «Ўзбектелеком» АКнинг 2011 йилга аудиторини тасдиқлаш ва аудитор хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш тўғрисида.
9. «Ўзбектелеком» АК Кузатув кенгашининг 2010 йил якунлари бўйича ҳисоботи тўғрисида.
10. «Ўзбектелеком» АК Кузатув кенгаши аъзолари янги таркибини сайлаш тўғрисида.
11. «Ўзбектелеком» АК Тафтиш комиссияси аъзолари янги таркибини сайлаш тўғрисида.
12. «Ўзбектелеком» АК бош директори билан тузилган меҳнат шартномасини бир йил муддатга узайтириш тўғрисида.

Акциядорлар умумий йиғилишига шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки уларнинг вакилларини нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома билан келишлари шарт.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатта олиш соат 9:00дан 10:00гача амалга оширилади.

Умумий йиғилиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар билан А.Темур кўчаси, 24-уйда танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 239-23-55, 239-23-78, 234-96-30.

«Ўзбектелеком» АК Кузатув кенгаши

Кўкалдош мадрасаси Тошкент шаҳридаги тарихий обидалардан бири саналади. Муҳаммад Солиҳ Қорахўжа Тошкандийнинг "Тарихи жадидийи Тошканд" китобида мазкур мадрасани Дарвешхон курдирганини ёзади ва шу китобнинг баъзи жойларида мадрасани Дарвешхон мадрасаси деб ҳам атайди. Мадраса 1551-1575 йиллар орасида қуриб битказилган. Бунга далил сифатида тарихчилар 1569-1570 йилларда ёзилган вақфномани келтирадилар. Унга қўра, Тошкент ҳокими Султон Дарвешхон бир қарвонсаройни мадрасага вақф қилиб бергани айтилган.

Кўкалдош мадрасаси Чорсу майдонидаги Шаҳристон тепалигида Хўжа Аҳрор Валий жомеъ масжидининг ёнида анъанавий шарқ услубида бунёд этилган. Унинг кенг ҳовлиси хужралар ва очиқ айвонлар билан ўралган. Хужралар сони 38та бўлиб, дастлаб қурилганда мадраса уч қаватдан иборат бўлган. Бош фасад жанубга қараган, дарвозадан кирареришда чапда масжид, ўнгда дарсхона жойлашган. Масжид ва дарсхонанинг усти ўзaro кесилган равоқлар устига ўрнатилган қўш ички ва ташқи гумбазлардан иборат бўлган. Пештоқ сиркор парчин ва жилва нақшлар билан безатилган. XVIII асрга келиб, қаровсиз қолган мадрасадан қарвонсарой сифатида фойдаланилган.

1866-1886 йилларда рўй берган zilзила натижасида мадраса пештоқнинг юқори қисми кулаб тушади ва мадраса вайронга айланган.

1902-1903 йилларда Тошкент шаҳри аҳолисининг хайрия маблағлари ҳисобидан таъмирлаш ишлари олиб борилади. Маблағ етишмаслиги сабабли таъмирлаш ишлари тўхтаб қолиб, ёдгорлик ўзининг аввалги ҳолатига қайтарилмади.

Вақт ўтиши билан ўзаро урушлар, кучли zilзилалар, бинолардан турли мақсадларда фойдаланиш, бир неча бор қайта таъмир қилиниши ва қайта тикланиши натижасида мадраса дастлабки ҳақиқий гўзаллигини, муҳташамлигини аста-секин йўқотиб борган.



Айниқса, XVIII асрнинг бошларида мадраса ташландиқ ҳолатга келиб қолган. Шу асрнинг охирида эса қарвонсарой мақсадида фойдаланилган. Коммунистик мафқуранинг ҳукмронлиги даврида мадраса биноси умуман қаровсиз қолиб кетган: хоналар омборхона, ётоқхона, ҳар хил устахоналар сифатида фойдаланилган.

Мустақиллик даврида мадрасани тиклаш бошлаб юборилди. Уни таъмирлашга юртдошларимиздан Эркин Саидахмедов, Наим ота Жўраев ва Абдурашул Худойбергановлар катта ҳисса қўшишди. Шунингдек, бухоролик Аҳрор Асқаров ва Маданият вазирлиги ёдгорликларни сақлаш институти муҳандиси, Кўкалдош мадрасаси қурилиш лойиҳаси муаллифи ва таъмиркор уста Миробид Мирзаахмедов ҳам катта хизмат қилди.

Мазкур кўҳна билим даргоҳида кўплаб олиму фузалолар дарс берганлар, таҳсил олганлар. XVI асрда Тошкентда ишлаб турган Хожа

Аҳрор жомеъи, Бароқхон ва Кўкалдош мадрасаларида ўз замонасининг машҳур олимларидан Шамсиддин Муҳаммад Куртий, Хожа Юсуф Қошғарийлар дарс берганлар. Ўзбек мумтоз шеърятининг вакилларида шoir Муҳаммад Аминхўжа Муқимий ҳар гал Тошкентга келган вақтларида (1880-1890) Кўкалдош мадрасасида истиқомат қилган. 1889-1891 йиллар мобайнида машҳур шoir Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат ҳам ушбу мадрасада истиқомат қилиб, таълим олган ва ижод билан шуғулланган. Шунингдек, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳам 1910-1911 йилларда мадраса хужраларидан бирида истиқомат қилган. Ўзбек орифона шеърятининг улкан намояндаси — шoir Хазиний Тошкентга келган пайтларида, албатта, Кўкалдош мадрасасида тўхтаб, мударрис ва талабалар билан кўплаб ажойиб суҳбатлар қурган. XIX аср охири XX аср бошларидаги ўзбек шеърятининг таниқли вакиллари: Мулло Қўшоқ Мисний, Сайид Хай-

батулло Хўжа Хислат, Сирожиддин Сидқий Хондалиқийлар ҳам Кўкалдош мадрасасида таҳсил олганлар. Машҳур улаомларимиздан Сайид Маҳмуд Тарозий, Олтинхон Тўра, Юнус Мақсудий ва Зиёвуддин ибн Эшон Бобохон ҳазратлари ҳам XX аср бошларида таҳсил олиб, илм пиллапояларида юксалиб боришган.

Мадрасада ислом дини қонунқоидалари, араб ва форс тили грамматикаси, адабиёт, одоб-ахлоқ, математика, геометрия, астрономия каби фанлар ўқитилган. Дарслар араб ва форс тилларидаги китоблар буйича ўтилган. Мадрасани битириб чиққан илм аҳллари араб, форс ва туркий тилларни мукамал, юзлаб газаллар, минглаб байтларни ёддан билганлар, Қуръони каримни ёд олганлар.

Баъзи маълумотларда келтирилишича, ҳадис илмининг юртимизда яна қайта жонланишига туртки бўлган улаомларимиз орасида Шомий домла деб шуҳрат топган — суриялик атоқли илоҳиёт олими Шайх Муҳаммад ибни Саид ибни Абдулвоҳид ал-Асалий аш-Шомий ат-Тарабулусий ҳазратлари ҳам бир мунча муддат мадраса хужраларидан бирида истиқомат қилиб, талабаларга дарс берган.

Ушбу мадраса фаолият бошлаганидан буён "Кўкалдош мадраса масжиди" деб номланган. 1999 йилда Ўзбекистон муслмонлари идораси томонидан янги Низом тасдиқланиб, 1999 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида расмий рўйхатдан ўтгандан сўнг "Кўкалдош Тошкент ислом ўрта махсус билим юрти" деб номланди. Билим юрти 1999 йил 10 октябрда махсус руҳсатнома олиб, 1 ноябрдан расмий фаолият кўрсата бошлади.

Билим юртида Қуръон, ҳадис, сарф, наҳв, мутолаа каби диний илмлар билан бир қаторда, ўзбек тили ва адабиёти, табиат, жуғрофия, инглиз тили, физика, математика, астрономия, информатика ва бошқа дунёвий фанлар ҳам ўқитилади, бу ишга малакали мутахассислар жалб этилган.

**ТАБРИКЛАЙМИЗ!**

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Учқўриқ почта алоқаси тармоғи ходими Баҳодиржон БАКИРОВни 55 ёши билан чин дилдан табриклайди. Унга узоқ умр, сийдат-саломатлик фарзандлари бахту нобилини кўришликни тилайди.

\*\*\*  
Китоб телекоммуникациялар болмаси жамоаси ҳамда цех касба уюмаси қўмитаси аъзолари болжаманинг қиллоқ телефон тармоғи электромонтёри Зейдулла ЯРМАНОВни муборак 50 ёши қарин олиши билан муборакбод этиб, унга узоқ умр, сийдат-саломатлик тилайди.

\*\*\*  
"Электромангит мослашув маркази" ДУК жамоаси Фарғона вилояти электромангит мослашув хизмати бошлиғи Нурмухаммад ТУРҒУНОВни кўтүлү 50 ёши билан муборакбод этади. Ўзига соғалиқ, оиласига хотирижамлик тилайди.

**Обуна бўлишни қўйишмадикингизми?**

Қадри муштарийлар!

"Xabar" газетасига иккинчи ярим йиллик учун "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг барча почта алоқаси бўлимлари ва "Матбуот тарқатувчи" АК шохобчаларида обуна бўлишингиз мумкин.

Газета ҳафтанинг жума куни, 16 саҳифада, тўлиқ теледастурлар билан чоп этилади. Шошилинг, обуна давом этмоқда.

**Xabar** *Сизнинг газетангиз!*

Нашр кўрсаткичи — 228.



**Xabar**

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир: Абдусайд КўЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақам билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатта олинган.

**ТАХРИР ХАЙЪАТИ:**  
Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Хайъат раиси), Асаджон ХўЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Суван НАЖБИДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдулгани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфиалло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган кўлэзма ва суретлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ❶  
Реклама матнларининг тўричилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета ҳафтанинг жума куни чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-602 сонли буюртма. Оффсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ. Алада: 16137 нусха.

**МАНЗИЛИМИЗ:**

100043, Тошкент, Бунёдор шоҳқўчаси, 8-уй.  
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.  
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.  
Навбатчи: Собит АҲАДОВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топшириди — 20.00.  
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

Вилоят муҳбирлари:	Андижонда 226-47-80	Бухорода 223-27-85	Гулистонда 40-12-19	Жиззахда 226-06-34	Навоийда 225-91-10	Наманганда 226-61-85	Нукусда 554-35-45	Самарқандда 233-61-81	Термизда 224-06-12	Тошкентда 288-40-66	Урганчада 226-37-16	Фарғонада 224-91-56	Қаршида 314-08-99
--------------------	---------------------	--------------------	---------------------	--------------------	--------------------	----------------------	-------------------	-----------------------	--------------------	---------------------	---------------------	---------------------	-------------------